



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ МУАММОСИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ТАЪСИРИ

Сапаров Мурод

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ORCID: 0009-0002-5767-2636
saparovmurod11@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизматлар соҳасида аҳоли бандлиги муаммосининг камбағалликни қисқартиришга таъсири ўрганилган. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, аҳоли бандлиги, тармоқ, камбағаллик, бозор конъюнктураси, даромад, янги иш жойи, меҳнат бозори.

ВЛИЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В СЕКТОРЕ УСЛУГ НА СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ

Сапаров Мурод

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье рассматривается влияние проблемы занятости в секторе услуг на сокращение бедности в контексте экономической либерализации. Предлагаются и даются рекомендации по обеспечению занятости населения трудоспособного возраста, снижению безработицы и регулированию рынка труда.

Ключевые слова: сектор услуг, занятость, промышленность, бедность, рыночные условия, доход, новая работа, рынок труда.

THE IMPACT OF THE EMPLOYMENT PROBLEM IN THE SERVICE SECTOR ON POVERTY REDUCTION

Saparov Murod

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article examines the impact of service sector employment on poverty reduction in the context of economic liberalization. Recommendations are proposed and provided for ensuring employment of the working-age population, reducing unemployment, and regulating the labor market.

Keywords: service sector, employment, industry, poverty, market conditions, income, new job, labor market.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини ташкил этувчи ва аҳоли бандлигини таъминловчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда хизматлар соҳасининг улуши иқтисодиётнинг 60-80 фоизини ташкил этиб, меҳнат ресурсларининг асосий қисми мазкур соҳада фаолият юритади. Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни диверсификация қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда хизматлар соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали усулларида бири аҳолини барқарор ва юқори даромадли иш билан таъминлаш ҳисобланади. Бу борада хизматлар соҳаси меҳнат сиғими юқори бўлган тармоқ сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар ва муаммоларнинг ўзига хос жиҳатлари бир қанча олимлар томонидан таҳлил қилинган ҳамда ўрганилган.

“Иқтисодий ўсишнинг пировард мақсади инсоннинг ўзи қадрлайдиган ҳаётни танлаши ҳамда яшашига қобиллиги ва эркинлигини кенгайтиришдан иборат”, – дейди таниқлик иқтисодчи Амартя Сен (2004). Бу нуқтаи назардан, даромад даражаси фаровонликни тўлиқ ифода этувчи ягона мезон бўлмаса-да, унинг инсон ҳаётидаги фундаментал аҳамияти юқориликча қолмоқда¹.

Буюк файласуф Афлотун давлатни табиатнинг ўзи ҳосил қилган одамлар жамоаси деб ҳисоблаган ва у биринчи марта аҳолини икки қисмга бўлиш муқаррарлиги ҳақида фикр билдирди: бой ва камбағал. Бироқ, Платон илмий ташкил этилган жамият адолат тамойилларини амалга ошириши, ижтимоий барқарорлик ва ички интизомни таъминлаши кераклигини илгари сурди, шунингдек камбағалликдан чиқариш бўйича ҳаракат, инсон ҳаёти давомида фаровон яшаш учун интилиши одатий ҳол сифатида қабул қилинган ва уни қўллаб-қувватлаш лозим деб ҳисоблашган².

Профессор Муҳаммедов (2020) фикрича “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истаса-да, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси эса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир” деб таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақола хизматлар соҳасида аҳоли бандлиги муаммосининг камбағалликни қисқартиришга таъсирининг мазмуни ва хусусиятлари таҳлил этилиб, аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш учун иш кучига талаб ва унинг таклифи, меҳнат баҳосига таъсир кўрсатадиган таъсирчан механизмларни такомиллаштиришга қаратилган жараёнларини қиёсий ривожлантиришга оид турли хил ёндашувлар умумлаштирилган ҳолда ўрганилди ҳамда хулосалаш асосида амалиётда яхлит қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хизматлар соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш – камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг тезкор ва самарали омили ҳисобланади. Бу

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2026/06/01/poverty-education/>

² Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 4 (2021) / ISSN 2181-1415 Candidate of Economic Sciences, Associate Professor of Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan.

соҳа катта капитал талаб қилмай, қисқа муддатда кўплаб иш ўринларини яратиш хусусиятига эга.

Ижобий таъсир механизмлари

- **Тезкор иш ўринлари:** Хизмат кўрсатиш лойиҳалари саноатга нисбатан 3-4 баробар кам харажат билан иш ўрни яратади.

- **Инклюзивлик:** Аёллар ва ёшларни (айниқса қишлоқ жойларда) иш билан таъминлаш даражаси жуда юқори.

- **Маҳаллий даромад:** Кафе, сартарошхона ёки таъмирлаш устахоналари пул маблағларининг маҳалла ичида айланишини таъминлайди.

- **Миграцияни камайтириш:** Жойларда хизматлар ривожланиши ташқи ва ички миграция оқимини сезиларли даражада пасайтиради.

Соҳадаги асосий муаммолар ва хавфлар

- **Яширин иқтисодиёт:** Хизматлар соҳасида мавсумий ва расмийлаштирилмаган меҳнат улуши юқори, бу эса ижтимоий ҳимояни чеклайди.

- **Паст иш ҳақи:** Умумий овқатланиш ёки чакана савдодаги маошлар аҳолини камбағаллик тузоғидан тўлиқ чиқара олмаслиги мумкин.

- **Малака етишмаслиги:** Замонавий рақамли ва технологик хизматларда юқори даромадли иш ўринлари учун кадрлар малакаси паст.

- **Ҳудудий тенгсизлик:** Хизматлар маркази асосан йирик шаҳарларда тўпланган, чекка қишлоқларда эса улар ҳали ҳам ривожланмаган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бормоқда. Зеро, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш борасида изчил давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирги кунда аҳолининг бандлик муаммосини ҳал қилишнинг учта кўриниши мавжуд:

- биринчидан, давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотларга иш излаётганларни жалб этиш;

- иккинчидан, хусусий шахсларга тегишли корхоналарга иш излаётганларни жалб этиш;

- учинчидан, ўз-ўзини иш билан банд этиш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири катта, чунки кичик тадбиркорлик янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини, бозорни турли-туман товар ва хизматлар билан тўлдириб келмоқда.

Бундан ташқари, кичик корхоналар бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни дарров илғаб, инвестицион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб, янги технологиялар базасида иш ўринлари ташкил этиб, ишчи кучининг сифат ва малака даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятлар томонидан барча ҳудудларда, аниқса, олис ва бориш қийин ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларда банк хизмати турларини кенгроқ тарғиб қилиш, шунингдек ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳа ташаббускорларига яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектларининг бизнес режаларини фаол молиялаштириш билан мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишга йўналтирилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб бораверади.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда меҳнат бозорлари амал этишининг мазмун қонуниятлари ва хусусиятларини таҳлил этиш уларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш учун иш кучига талаб ва унинг таклифи, меҳнат баҳосига таъсир кўрсатадиган таъсирчан механизмларни шакллантириш объектив зарурат эканлигидан яққол далолат бермоқда. Меҳнат бозорида рўй бераётган жараёнларга аралашмасликни тарғиб этувчи турли илмий назариялар мавжудлигига қарамасдан тараққий этган давлатлар амалиётида, аксинча, бу бозорга таъсир кўрсатишни кучайтириш, уни тартибга солишнинг самарали усул ва шакллари излаб топишга интилиш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятида тўлиқ бандликка эришиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Лекин шунга қарамай хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан банд қилиш муаммоси ҳамон сақланиб келинмоқда. Бу муаммолар қуйидагилар:

- доимий иш ўринлари етишмаслиги, меҳнат бозорида танглик даражаси юқори бўлиб, ишсизликни ошишига олиб келмоқда, шу жумладан, айрим туманларда битта иш ўрнига 70 нафар ишсиз тўғри келмоқда;

- қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмаслиги шунингдек, мавжуд бўлсада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Хитой давлатидан келган маҳсулотларга нисбатан нархи юқори бўлиб, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган фуқароларга бизнес режа тузишда амалий ёрдам мавжуд эмас;

- хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни касб-ҳунарга ва чет тилларига ўқитиш битирувчиларга сертификатлар бериш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, уларни эгаллаган касблари бўйича Халқаро тан олинадиган даражада малакасини баҳолаш тизими мавжуд эмас;

- меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни меҳнат бозорида тезроқ ўрин эгаллашлари учун уларни хорижда орттирган малака ва кўникмалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас;

- айрим ихтисослик (касб)лар бўйича тез сифати бузиладиган хомашёлар (сабзавот, кўкатлар, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари) тезкор сотиб олиш зарурати туғилади. Ўқув марказларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли давлат муассасаси бўлганлиги туфайли уларни давлат харидлари тизими орқали сотиб олишга мажбур.

Кези келганда айтиш жоизки, доимий иш жойига эҳтиёжмандларнинг катта қисми Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ва ижтимоий дастурлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини ҳудудлар миқёсида ҳал этишга қаратилаётир. Мисол учун, меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йили янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир дастур қабул қилиняпти. У иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ ишлаб чиқиладигани туфайли янги иш жойларининг салмоқли қисми қишлоқ жойларида яратилаётир. Бунда янги объектлар, асосан, меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудларда фойдаланишга топшириладигани, саноат корхоналари модернизация қилиниб, қўшимча қувватлар ишга солинаётгани, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва

сервис соҳаларини тараққий эттириш, инфратузилма, коммуникация ҳамда уй-жой объектлари қурилиши кўламини ошириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, деҳқон-фермер хўжалиklarини ривожлантириш ҳамда касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш чора-тадбирларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобидан минг-минглаб иш жойлари пайдо бўляпти.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар кўлами 2017-2021 йилларда ҳам жадал давом эттирилиб, умумий қиймати 40 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 649 та инвестициявий лойиҳа қамраб олинган тармоқ дастурларини ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилиб, натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ортган.

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти та устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш. Саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш. Энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш. Мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар кўпайтириш ҳамда 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратиш. Кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш орқали кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш. Автомобиль саноатида кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш масалалари асосий ўрин тутди.

Бу аҳолини, айниқса, ёш мутахассислар бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш учун катта имкониятдир. Фақат таълим муассасалари, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлаш лозим. Аммо давлатимиз раҳбари куйинчаклик билан айтганидек, “Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда”.

Чиндан ҳам, ҳамма олий таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарларини қайси соҳага қанча мутахассис кераклиги бўйича тўлиқ маълумотга эга, деб айтолмаймиз. Аслида соҳада учраётган бу каби салбий ҳолатларни ечиш унчалик мураккаб эмас. Масалан, Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, ҳар бир соҳанинг яқин беш йилга мўлжалланган истиқболли режалари ишлаб чиқилиб, унда қайси йўналиш бўйича қанча янги иш жойлари барпо қилиниши, қайси мутахассис ва касб эгаларига эҳтиёж сезилиши қамраб олинса, кифоя.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида “Янги иш жойларини барпо этиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий ҳисоботга киритиш тартиблари”ни ишлаб чиқиш вақти келди. Бу жараёни тасодифан эмас, балки меъёрий-ҳуқуқий, молиявий талаблар, илмий – амалий тавсиялар асосида олиб боришни ташкил этиш зарур. Яъни фуқароларнинг ҳар бир меҳнат жойи паспорти рўйхатга олиниши, махсус шаклдаги акт билан қабул қилинишини амалиётга жорий этиш керак.

Меҳнат бозорида фаол ҳамда аниқ мақсадга қаратилган шу каби чора-тадбирлар хизматлар соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини кам таъминланган қатламларини камбағалликдан чиқариш, реал даромадларини ошириш, пировардида ҳаёт даражасини юксалтиришга мустақкам пойдевор яратади. Бинобарин, аҳолини иш билан таъминлаш мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масала ҳисобланади. Унинг ўз вақтида ҳал этилишидан барча бирдек манфаатдордир.

Adabiyotlar / Лумерамура / Reference:

Babenchuk Kristina Alexandrovna. (2007) Management of the competitiveness of construction organizations (on the example of housing construction in Samara) Abstract of a dissertation for the degree of Ph.D. St. Petersburg, - 18 p.

Magerramova Irada Alim Kyzy. Methodological bases for managing the reliability and competitiveness of construction organizations. Abstract of the dissertation for the degree of Ph.D. St. Petersburg, 2006, 20 pages.

Porter, M. (2004) International competition / M. Porter; per. from English.; ed. and with a preface by V.D. Shchetinin. –M.: International relations, - 896 p.

Rubin Yu.B. (2007) Competition: orderly interactions in professional business. Questions of Economics. (4): 152-156.

Муҳаммедов М. (2020) 1,9 АҚШ долларидан кам маблағга кун кечираётганлар // Zarafshon. – 23 июнь. – № 68. – 2-бет.

Сен А. (2004) Развитие как свобода. –М.: Новое издательство, – 432 с.